

2. Фуломов. С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти. 2002. 369 бет.

3. Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. М.: «ТЕИС», 2000.

4. Маширова Т.Н., Сабенова Б.Н., Сихымбекова А.М. Основные направления развития малого и среднего бизнеса: зарубежный опыт // Экономика и финансы. №3. 2012. С. 31.

А.Д. Рахимжанов, М.Ф. Абдурахманова
илмий раҳбар Р.Б. Исмоилов, А.А. Шерматов
НамМТИ талабаси
Наманган, Ўзбекистон
r_ismailov59@mail.ru

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТГА АЖРАТИЛАДИГАН СУБВЕНЦИЯЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада маҳаллий бюджетга аниқ мақсадли йўналтирилган субвенцияларнинг ўсиш даражаси, шу мақсадларга мўнжалланган электрон портал фаолияти, порталга тушган таклифлар асосида ишлаб чиқилган субвенциялар тақсимооти бўйича маълумот берилган.

Калит сўзлар: молиявий статистика, бюджет, ахборот портал, ижтимоий ёрдам, субвенциялар, маҳаллий бюджет.

А.Д. Рахимжанов, М.Ф. Абдурахманова,
научные руководители Р.Б. Исмоилов, А.А. Шерматов
Наманганский инженерно-технологический институт
Наманган, Ўзбекистон
r_ismailov59@mail.ru

ПОДДЕРЖКА МЕСТНОГО БЮДЖЕТА

Аннотация. В данной статье представлена информация о темпах роста целевых субсидий в местный бюджет, деятельности электронного портала для этих целей, распределении субсидий, разработанных на основе предложений, полученных порталом.


Ключевые слова: финансовая статистика, бюджет, информационный портал, социальная помощь, субсидии, местный бюджет.

Мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришда иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бюджет жараёни очиқлиги ва шаффофлиги таъминлашнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундай механизмлардан бири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Open budget” ахборот портали ҳисобланади. Бу ахборот портали 2019 йил 1 январдан ишга тушган. “Юқоридаги портал орқали ҳар чорак якуни билан туман(шаҳар) маҳаллий бюджетида шаклланган маблағларни 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида йўналтириш мақсадида қўшимча манбалар ҳисобидан шаклланган маблағлар ва уларнинг 10 фоиз қисми тўғрисидаги эълонлар белгиланган

муддатларда аҳоли эътиборига ҳавола этиб келинмоқда”⁶.2019 йилда республика бўйича 52679нафари мурожаат қилган бўлса, шундан Наманган вилоятидан 3501 нафариюқоридаги портал орқали қўшимча манбаларни сарфлаш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Наманган шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари миқдори 63232,5 млн.сўмни ташкил этган бўлиб шундан, 10 фоиз миқдори 6323,3 млн.сўмни ташкил этди.

2020 йил 1 февралдан шу йилнинг 20 февралигача бўлган муддат давомида “Open budget” ахборот портали орқали фуқаролартомонидан 2574 та таклифлар келиб тушди. Жумаладан, автомобил йўлларини таъмирлаш учун 585 та, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 346 та, таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 464 та, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 86 та, кўчаларни ёритиш учун 320 та, аҳоли дам олиш масканларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 69 та, масжид ва қабристонларни ободонлаштириш учун 102 та, маҳаллаларда болалар ўйингоҳларини қуриш учун 13 та, ҳудуддаги кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун 41 та, автотранспорт йўлларини кесиб ўтиш учун пиёдалар йўлакларини қуриш учун 14 та, очиқ ва ёпиқ спорт мажмуалари ва сув ҳавзаларини қуриш учун 27 та ҳамда бошқалар тадбирлар учун 507 та таклиф ва фикрлар келтириб ўтилган.



1-расм. 2019-2021 йилларда Наманган вилоятида маҳаллий бюджетга ажратиладиган субвенциялар даражаси, фоиз

Юқоридаги расмда 2019-2021 йилларда Наманган вилоятида маҳаллий бюджетга ажратиладиган субвенциялар даражаси аниқлаш бўйича маълумотлар берилган бўлиб, маҳаллий бюджетга аниқ мақсадли йўналтирилган субвенциялар миқдорининг юқори кўрсаткичи 2018 йилда кузатилган 44,3 %и ташкил этган. Энг паст кўрсаткич эса 2021 йилда 21,2 % ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

⁶www.openbudget.uz. ахборот портали

Хулоса сифатида, шуни айтиш мумкинки мақсадли субвенцияларни маҳаллий бюджетга йўналтиришнинг прогноз даражалари ўрганиш орқали аниқ тармоқ, аниқ ҳудудга зарур бўлган маблағларни йўналтириш имкониятларини тақдим этади.

М.М. Исроилов, илмий раҳбар Р.И.Эгамбердиев
Андижон давлат университети
Андижон, Ўзбекистон
dodoboev49@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЯГОНА ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг ягона энергетика тизими, унинг муаммолари ва истиқболлари ҳақида ўтказилган монографик тадқиқот натижалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Энергетика тизими, монографик тадқиқот, энергетика сиғими, энергетик тежамкорлик.

Баъзи иштирокчилар мазкур тадбирни семинар деб номладилар, бошқалари қўшма пресс-тур дедилар, яна бирлани – конференция деб атадилар, лекин айтиш тадбир қандай номланишидан қатъий назар, гап аслида саноатдаги янги анъананинг пайдо бўлиши тўғрисида боради. Энергетика самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш миқёсида уларнинг қатнашчилари бўлмиш ватанимиздаги йирик саноат ишлаб чиқарувчилари ҳамда тармоқдаги хўжалик бирлашмалари ўз ҳамкасбларининг методлари, ютуқлари ва янги тадқиқотлари билан биринчи бор нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий тарзда ҳам танишиб олиш имконияга эга бўлдилар.

Иқтисодиёт вазирлиги билан "Олмалиқ тоғ кон металлургия комбинати" АЖ томонидан, етакчи тармоқлар иштирокида ташкил этилган, таркибига "Калмакир" кон бошқармаси, мис қуйиш заводи ва ОТКМКнинг бошқа объектларига сафарлари киритилган семинар йиғилиши бутун мамлакатдан йиғилган йирик саноат ишлаб чиқарувчиларга ҳамда журналистларга ишлаб чиқаришнинг энергетика сарфларини қисқартириш жараёнида жонли равишда иштирок этиш ва шунинг билан тажриба алмашинувининг ФИКни жиддий тарзда ошириш имкониятини берди. Мана шундай тадбирлар шунингдек бошқа йирик объектларда ҳам ўтказилади.

Мамлакатнинг энг йирик саноат объектларининг вакиллари бўлган 200 нафарга яқин техник раҳбарлар ва мутахассисларнинг иштирок этганлиги мазкур тадбирнинг ишлаб чиқаришда энергетика самарадорлигини ошириш масалалари борасида қай даражада юқори нуфузли муҳандислик маслаҳатлашув йиғилиши эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ҳозирги ўн йиллик бошланишида мазкур мавзу давлат сиёсати даражасигача кўтарилган эди, бир қатор ҳам тавсия хусусидаги, ҳам мажбурий ижро хусусидаги энг муҳим қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган эди. Ҳозир, давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йил 5 май кунги "Энергетик сиғимни қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергетик тежамкор технологияларни жорий қилиш бўйича 2015-2019 йиллардаги чоралар Дастури тўғрисида"ги Қарорининг имзоланганлигидан кейин мазкур ишлар янги ривожланиш даражасига чиқмоқда.

Янгича миқёсдаги семинарда ҳозирги кунда бир бирларини яхши танийдиган, энергетика масалалари бўйича масъуллар бўлмиш "Ўзбекнефтегаз" МХК, "Навоий ТКМК" ДК, "Ўзбекэнерго", "Ўзметкомбинат", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекқўмир" акциядорлик жамиятларининг вакиллари, МАР воситаларининг иштирокида энергетика самарадорлиги лойиҳаларини молиялаштирилишида иштирок этаётган "Асакабанк",